**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING**
# QONUNI

## «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 20 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ошиб бораётганлигини, айниқса, маданият, спорт ва илм-фан соҳаларида катта ғалабаларга эришилиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи жаҳон узра баланд кўтарилаётганлигини инобатга олиб,

шу муносабат билан фуқароларнинг ўз ватанпарварлик туйғуларини ифода этиш ҳамда Ватанимиз эришаётган ютуқларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат рамзларидан, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кенг фойдаланишга бўлган талаб ошиб бораётганлигини англаган ҳолда,

шунга кўра, ҳозирги замон воқеликларини, фуқароларнинг таклифлари ва талаб-истакларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан фойдаланиш билан боғлиқ нормаларни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келаётганлигини эътиборга олиб,

жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан зарур ҳурматни таъминлаган ҳолда фойдаланилиши ҳолларини кенгайтириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири билан устки кийим-бошни безатиш ёки Ўзбекистонга тегишлиликни белгилаш учун тушириш имкониятини яратиш мақсадида,

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинишига йўл қўйилмайдиган аниқ ҳоллар белгиланишини назарда тутиб,

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кенг фойдаланилишини ҳамда Ватанга нисбатан фахр-ифтихор ва меҳр-муҳаббат туйғулари янада кучайтирилишини таъминлаш мақсадида ушбу Қонун қабул қилинмоқда.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ги 407–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда**:

**биринчи қисмининг 1**, **2** ва **3-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;

судларнинг;

прокуратура органларининг биноларида;

2) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажлислар залларида;

3) доимий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисларининг;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раисларининг;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарида»;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда, ундан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган объектларда, шунингдек умуммиллий байрамларда, спорт мусобақаларида, оммавий жисмоний тарбия тадбирларида, маданий ва ўзга оммавий тадбирларда, расмий халқаро тадбирларда, тантанали тадбирларда, оилавий байрамларда, хотира саналарини нишонлашда, жамият ва давлат арбобларининг, ҳарбий хизматчиларнинг дафн маросимларида ҳамда бошқа ҳолларда, шу жумладан ёғоч дастани (байроқ дастасини) ишлатмасдан фойдаланилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда, ундан жамоат жойларида, бинолар ва бошқа объектларда, яшаш ёки иш жойларида, шунингдек уларга туташ бўлган ҳудудларда, транспорт воситаларининг салонида фойдаланилиши мумкин»;

2) **5$^{1}$-модда**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида давлат органларининг рамзий белгиларида (байроқ, эмблема – геральдик белги, вимпел ва бошқа рамзлар) ва уларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг асоси ёки элементи сифатида, шунингдек Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи – олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида расмий халқаро тадбирларда Ўзбекистон Республикаси вакили бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда унинг тасвири туширилган белгилардан жамоат жойларида, бинолар ва бошқа объектларда, яшаш ёки иш жойларида, шунингдек уларга туташ бўлган ҳудудларда, транспорт воситаларининг салонида фойдаланилиши мумкин.

Ҳарбий ёки бошқа давлат хизматида бўлган шахсларнинг кийим-бошида ва фарқловчи нишонларида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин.

Халқаро спорт мусобақалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари учун спорт кийим-бошини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин»;

3) **5$^{2}$-модда**:

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи**, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматни таъминлаган ҳолда унинг тасвири туширилган белгилардан устки кийим-бошни безатиш ёки Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида фойдаланиш мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлишга, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан йиртилган, ифлосланган, тешилган, ранги ўчган ҳолда ва бошқа номаъқул тарзда фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан бирор-бир нарса учун устки ёпинғич сифатида фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини столларга, ўриндиқларга, стулларга тўшашга ёки унинг тасвирини туширишга ва ундан қоплама сифатида фойдаланишга, шунингдек уни ўтириладиган бошқа жойларга ёки оёқ остига тўшашга ёки унинг тасвирини туширишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кийим-бош, даструмол ёки кўрпа-тўшак сифатида, шунингдек буюмларни сақлаш ва ташиш учун фойдаланишга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгиларни пойабзалга, даструмолга, кўрпа-тўшакка, ички кийимга, сочиқларга, қутиларга (ўровларга), бир марта фойдаланиш ва ташлаб юбориш учун мўлжалланган буюмларга босиб чиқаришга ёки унинг тасвирини бошқача тарзда туширишга;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда ёхуд уларни таҳқирлаш ҳисобланадиган бошқача тарзда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгилари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас»;

4) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан бутун (йиртилмаган, тешилмаган), тоза (ифлосланмаган), ранги ўчмаган ҳолда ва маъқул тарзда фойдаланиш учун масъулият ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан давлат органларининг зиммасига юклатилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 июль
№ ЎРҚ–853

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING**
**QONUNI**

## О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О Государственном флаге Республики Узбекистан»

Принят Законодательной палатой 20 июня 2023 года
Одобрен Сенатом 23 июня 2023 года

Принимая во внимание, что сегодня на мировой арене все больше возрастает статус нашей страны, особенно с достижением больших побед в сфере культуры, спорта и науки, Государственный флаг Республики Узбекистан высоко поднимается в мире,

в связи с этим в целях выражения гражданами своих патриотических чувств и поддержки достижений Родины, осознавая возрастающую потребность в широком использовании государственных символов, в том числе Государственного флага Республики Узбекистан,

соответственно, с учетом реалий настоящего времени, предложений и требований граждан, принимая во внимание возникающую необходимость в дальнейшем совершенствовании норм, связанных с использованием Государственного флага Республики Узбекистан,

в целях расширения случаев использования физическими и юридическими лицами Государственного флага Республики Узбекистан с обеспечением должного уважения, в частности предоставления возможности нанесения изображения Государственного флага Республики Узбекистан на верхнюю одежду в декоративных целях или для определения принадлежности к Узбекистану,

предусматривая определение конкретных случаев недопущения неуважительного отношения к Государственному флагу Республики Узбекистан,

в целях обеспечения широкого использования Государственного флага Республики Узбекистан и дальнейшего усиления чувства гордости и любви к Родине принимается настоящий Закон.

**Статья 1.** Внести в Закон Республики Узбекистан от 18 ноября 1991 года № 407–XII **«О Государственном флаге Республики Узбекистан»** (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1992 г., № 1, ст. 27; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 5, ст. 124; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2010 г., № 12, ст. 473; 2017 г., № 9, ст. 510; 2019 г., № 2, ст. 47, № 9, ст. 589; 2021 г., приложение к № 4) следующие изменения и дополнения:

1) в **статье 5**:

**пункты 1**, **2** и **3 части первой** изложить в следующей редакции:

«1) постоянно на зданиях:

резиденций Президента Республики Узбекистан;

Администрации Президента Республики Узбекистан;

палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

Кабинета Министров Республики Узбекистан;

республиканских органов исполнительной власти;

Службы государственной безопасности Республики Узбекистан;

Государственной службы безопасности Президента Республики Узбекистан;

Национальной гвардии Республики Узбекистан;

Центрального банка Республики Узбекистан;

Счетной палаты Республики Узбекистан;

Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан;

Жокаргы Кенеса и Совета Министров Республики Каракалпакстан;

органов государственной власти на местах;

судов;

органов прокуратуры;

2) постоянно в залах заседаний:

Администрации Президента Республики Узбекистан;

палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

Кабинета Министров Республики Узбекистан;

Конституционного суда Республики Узбекистан, Верховного суда Республики Узбекистан;

республиканских органов исполнительной власти;

Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан;

Службы государственной безопасности Республики Узбекистан;

Государственной службы безопасности Президента Республики Узбекистан;

Национальной гвардии Республики Узбекистан;

Центрального банка Республики Узбекистан;

Счетной палаты Республики Узбекистан;

Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан;

Жокаргы Кенеса и Совета Министров Республики Каракалпакстан;

органов государственной власти на местах;

3) постоянно в служебных кабинетах:

Президента Республики Узбекистан;

Спикера Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

Председателя Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан;

Премьер-министра Республики Узбекистан;

председателей Конституционного суда Республики Узбекистан, Верховного суда Республики Узбекистан;

руководителей республиканских органов исполнительной власти;

Генерального прокурора Республики Узбекистан;

председателя Службы государственной безопасности Республики Узбекистан;

председателя Государственной службы безопасности Президента Республики Узбекистан;

командующего Национальной гвардией Республики Узбекистан;

председателя правления Центрального банка Республики Узбекистан;

председателя Счетной палаты Республики Узбекистан;

председателя Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан;

председателей Жокаргы Кенеса и Совета Министров Республики Каракалпакстан;

хокимов областей, районов и городов;

глав дипломатических представительств, консульских учреждений, а также представительств Республики Узбекистан при международных организациях»;

**часть вторую** изложить в следующей редакции:

«Государственный флаг Республики Узбекистан при обеспечении уважения к нему может использоваться на объектах, не указанных в части первой настоящей статьи, а также на общенациональных праздниках, спортивных соревнованиях, физкультурно-массовых мероприятиях, культурных и иных массовых мероприятиях, официальных международных мероприятиях, торжественных мероприятиях, семейных праздниках, празднованиях памятных дат, похоронных мероприятиях общественных и государственных деятелей, военнослужащих и в иных случаях, в том числе без использования древка (флагштока)»;

дополнить **частью третьей** следующего содержания:

«Государственный флаг Республики Узбекистан при обеспечении уважения к нему может использоваться в общественных местах, зданиях и иных объектах, местах жительства или работы, а также на прилегающих к ним территориях, в салоне транспортных средств»;

2) в **статье 5¹**:

**часть вторую** изложить в следующей редакции:

«Обозначения, представляющие собой изображение Государственного флага Республики Узбекистан, в целях обозначения принадлежности к Республике Узбекистан могут быть использованы в символиках (флаг, эмблема – геральдический знак, вымпел и другие символы) государственных органов и на их официальных веб-сайтах во всемирной информационной сети Интернет, в качестве основы или элемента государственных наград Республики Узбекистан, а также на предметах в целях обозначения принадлежности к Республике Узбекистан, в учебно-воспитательном процессе»;

дополнить **частями третьей – шестой** следующего содержания:

«В целях обозначения принадлежности к Республике Узбекистан физические и юридические лица, представляющие Республику Узбекистан на официальных международных мероприятиях, могут использовать обозначения, представляющие собой изображение Государственного флага Республики Узбекистан.

При обеспечении уважения к Государственному флагу Республики Узбекистан обозначения, представляющие собой его изображение, можно использовать в общественных местах, зданиях и иных объектах, местах жительства или работы, а также на прилегающих к ним территориях, в салоне транспортных средств.

Обозначения, представляющие собой изображение Государственного флага Республики Узбекистан, могут быть использованы на одежде и знаках отличия лиц, находящихся на военной или иной государственной службе.

При подготовке спортивной одежды к международным спортивным соревнованиям и чемпионатам Республики Узбекистан могут использоваться обозначения, представляющие собой изображение Государственного флага Республики Узбекистан»;

3) в **статье 5²**:

**части вторую** и **третью** заменить **частями второй**, **третьей** и **четвертой** следующего содержания:

«Обозначения, представляющие собой изображение Государственного флага Республики Узбекистан, не могут быть использованы в коммерческих целях для продвижения производимых или реализуемых товаров (работ, услуг), за исключением нанесения обозначений, представляющих собой его изображение, на верхнюю одежду в декоративных целях или в целях обозначения принадлежности к Республике Узбекистан с обеспечением уважения к Государственному флагу Республики Узбекистан.

Не допускается неуважительное отношение к Государственному флагу Республики Узбекистан, в том числе:

использовать Государственный флаг Республики Узбекистан и обозначения, представляющие собой его изображение, в разорванном, грязном, дырявом, выцветшем и в ином неподобающем виде;

использовать Государственный флаг Республики Узбекистан в качестве покрывала для чего-либо;

стелить или наносить изображение Государственного флага Республики Узбекистан на столы, кресла, стулья и использовать его в качестве покрытия, а также стелить или наносить его изображение в иные места,куда садятся,или под ноги;

использовать Государственный флаг Республики Узбекистан в качестве одежды, носового платка или постельного белья, а также для хранения и переноски вещей;

печатать обозначения, представляющие собой изображение Государственного флага Республики Узбекистан, или иным образом наносить его изображение на обувь, носовой платок, постельное белье, нижнее белье, полотенца, коробки (упаковки), предметы, которые предназначены для разового использования и выбрасывания;

использовать Государственный флаг Республики Узбекистан и обозначения, представляющие собой его изображение, в нарушение правил этики и правил поведения в обществе или иным способом, считающимся их осквернением.

Символики негосударственных некоммерческих организаций не могут быть схожи с Государственным флагом Республики Узбекистан»;

4) **статью 11** дополнить **частью второй** следующего содержания:

«Ответственность за использование Государственного флага Республики Узбекистан и обозначений, представляющих собой его изображение, целым (не порванным, не проколотым), чистым (не грязным), невыцветшим и подобающим образом возлагается на физические и юридические лица, в том числе государственные органы, использующие Государственный флаг Республики Узбекистан и обозначения, представляющие собой его изображение, в соответствии с настоящим Законом».

**Статья 2.** Кабинету Министров Республики Узбекистан:

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону;

обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

**Статья 3.** Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

город Ташкент,
7 июля 2023 года
№ ЗРУ–853